

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**

**Поп тумани халқ таълими бўлими мудири  
комиссияси раиси**

**А.Хусайнов**  
**« 10 » май 2022 йил**



**Поп тумани халқ таълими бўлими қарашли умумтаълим мактабларига  
куз-киш мавсумига олинадиган кўмир ва кўмир брикет маҳсулотларини  
ташиб бериш хизмати ишларини харид қилиш бўйича**

**Энг яхши таклифларни танлаш**

**Наманган-2022 йил**

## МУНДАРИЖА

- I Боб. Иштирокчига кўрсатма
- II Боб. Танлашнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

## I БОБ. ИШТИРОКЧИГА КҮРСАТМА

### A. Умумий маълумот

Танлаш предмети

Мазкур танлаш хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Танлаш комиссиясининг вазифалари

Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гурухининг вазифалари

Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлаш доирасида хужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

### B. Танлаш хужжатлари

Танлаш хужжатининг таркиби

Танлаш хужжатларига аниқлик киритиш

Танлаш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

### C. Танлаш хужжатларини тайёрланиши

Танлашда қатнашиш харажатлари

Танлашда қўлланиладиган тил

Танлаш таклифини ташкил қилувчи хужжатлар

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Муқобил таклифлар

Танлаш таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

### D. Танлаш таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлаш таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати

Танлаш таклифларининг очилиши

### E. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

Таклифларнинг мос келмаслиги

### F. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш

Тўлов шартлари

Шартномани имзолаш

## **А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

### **1. Танлашпредмети**

Танлаш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ти Конуни ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига асосан амалга оширади.

#### **Танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар:**

Танлашни ўтказиш очик турда бўлиб, маблағ манбаси: Поп тумани халк таълими бўлими махаллий бюджет маблағларидан ажратилган Поп тумани халк таълими бўлимига қарашли мактабларига куз-қиши мавсумига олинадиган кўмир ва кўмир брикет махсулотларини ташиб бериш хизмати ишларини танлаш ўтказиш кўзда тутилган.

**Махсулотни ишлаб чиқариб ва етказиб бериш: 30 кун давомида.**

#### **Товар (иш, хизмат) нархи:**

Поп тумани халк таълими бўлимига қарашли мактабларига куз-қиши мавсумига олинадиган кўмир ва кўмир брикет махсулотларини ташиб бериш хизмати ишлари нархи 130 286 828 (Бир юз ўттиз миллион икки юз саксон олти минг саккиз юз йигирма саккиз ) сўм

**2. Маблағ манбаси:** Поп тумани халк таълими бўлими махаллий бюджетдан маблағлари –дан ажратилганетказиб берувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Танлаш (кейинги ўринларда – Танлаш) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлаш ҳужжатлари талаблари асосида харид объектини етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш

Товар (иш, хизмат) нархи учун жавобгаряик давлат буюртмачисининг зиммасида бўлади.

Танлашга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархиқўшимча қиймат солиғисиз.

Ишлар танлаш ҳужжатларининг тижорат қисмida жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

### **2. Мазкур танлашҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар**

Маблағ манбаси: Маблағ манбаси: Поп тумани халк таълими бўлими махаллий бюджет маблағлари –дан ажратилганетказиб берувчиташкилотни аниқлаш бўйича Танлаш (кейинги ўринларда – Танлаш) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлаш ҳужжатлари талаблари асосида харид объектини етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлаш ўтказиши тартиби –1bosқичли. (энг яхши ва сифатли ишлар асосида)

**Буюртмачи** – Поп тумани халк таълими бўлими махаллий бюджетдан маблағларидан ажратилган;

Манзили: Наманган вилояти Поп тумани Обод МФЙ Истиклол кучаси № 6 уй;

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиши учун масъул шахс Поп тумани халк таълими бўлими мудири-А.Хусаинов, харид комиссия котиби М.Имбатов. тел.: 69-43 31 413

### **3. Танлашкомиссиясининг вазифалари:**

- танлаш ўтказиши тартиб-коидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танлашни ўтказади;
- танлаш талабгорларига тааллукли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида карор қабул қилиш;
- танлаш бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган конвертларни очади, уларнинг танлаш ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишида нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;

**Танлашнинг ташкилотчиси** - Харид комиссияси котиби. Унинг вазифасига қўйидагилар киради:

- танлаш хужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг [www.dxarid.uzex.uz](http://www.dxarid.uzex.uz) порталида эълон беради;
- танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

#### **4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлаш комиссиясининг вазифалари:**

-иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий хужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил килади ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлаш нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қиласди.

**Иштирокчи** - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Иштирокчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- фақат битта таклифни тақдим этиш хуқукига эга;
- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзgartiriш хуқукига эга.

#### **5. Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари**

##### **5.1. Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофик бўлиши керак:**

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

- шартнома тузиш учун қонуний хуқуқка эгалик;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

**5.2. Танлаш иштирокчиларини малакали танлаши Танлаш комиссияси томонидан амалга оширилади.**

Танлаш иштирокчилари қўйидаги хужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги юзасидан хужжат;

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлаш талабларини амалга ошириш хуқукини берувчи лицензиянинг нусхаси, агар лицензияланадиган фаолият турига кирадиган бўлса.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлаш эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши ва асосий бенефициар мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши шарт.

Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси таклифларни танлаш бўйича айни битта лотда иштирок этиш хуқукига эга эмас.

**5.3. Иштирокчи танлаш комиссиясига (мухрланган) ва ички мухрланган конвертни йўлланма хат билан тақдим қилган бўлишлари керак.** Конвертда талабгор номи, манзили ва Танлаш комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб,

куйидаги хужжатлар бўлиши лозим:

- иштирокчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- иштирокчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- иштирокчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);
- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);
- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);
- танлаш таклифи асли (6-шакл);
- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.4. Иштирокчи танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз хисобидан қоплади.

5.5. Танлашда голиб чиқсан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

**Танлаш ғолиби** – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда энг яхши таклифни таклиф қилган танлаш иштирокчиси.

**Захирадаги иштирокчи** – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган энг яхши таклифи таклиф қилган иштирокчи.

5.5. Танлашга қуйидаги иштирокчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техниковий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган худудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб ракамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараённида ҳаракатлари юзасидан карор қабул қилиши ёки ҳар қандай ракобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга хилоф равища адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

## **6. Танлаш доирасида хужжатларниң маҳфийлигини таъминлаш**

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот маҳфий ҳисобланади ҳамда танлаш тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлаш комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## **Б. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

### **7. Танлаш ҳужжатининг таркиби**

7.1. Танлаш иштирокчиси унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

### **8. Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиши**

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлаш комиссиясига ёзма равишида мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлаш комиссияси талабгорниң сўровига кўра Танлаш тақлифларини тақдим этишининг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча иштирокчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### **9. Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

9.1. Тақлифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлаш комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, тақлифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

## **В. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ**

### **10. Танлашда қатнашиш харажатлари**

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх тақлифида кўрсатилган нарх танлаш тақлифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлаш тақлифи нархи миллий валюта -сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(тақлиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини оҳирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига караб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш тақлифлари исталган боскичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

### **11. Танлашда қўлланиладиган тил**

11.1. Иштирокчилар томонидан берилаётган тақлифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

### **12. Танлаш тақлифини ташкил қилувчи ҳужжатлар**

12.1. Танлаш тақлифлари бир асл нусхадан, фақат муҳрланган конвертда бўлиши лозим. Танлаш комиссияси номини ва манзили кўрсатилган конвертда **5.2-бандда** келтирилган ҳужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Конвертнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва танлаш номи ва лоти кўрсатилади.

Конвертда – маҳсулотни етказиб бериш жадвали, танлаш тақлифлари, маҳсулот учун тақлиф килинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлаш комиссияси лозим бўлганда Танлаш иштирокчиларидан тақдим этилган Танлаш тақлифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

### **13. Тақлиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш**

13.1. Иштирокчи танлаш тақлифини қатъий равишида мазкур танлаш ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлаш тақлифи шаклларидаги барча бўш графалар танлаш ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Иштирокчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлаш таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

#### **14. Муқобил таклифлари**

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

#### **15. Танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш**

15.1. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи танлаш хужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун иштирокчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир вараги имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифлarda ёзув қаторлари орасига кўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлаш иштирокчисининг имзоланмаган, елимланмаган ва муҳрланмаган конвертлари кўриб чиқилмайди ва Танлаш комиссияси томонидан рад этилади.

### **Г. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ**

#### **16. Танлаш таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш**

16.1. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифларини мазкур танлаш хужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда муҳрлаши керак.

16.2. Иштирокчининг танлаш таклифи, танлаш очилган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда танлаш комиссияси танлаш иштирокчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

#### **17. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати**

17.1. Иштирокчиларнинг танлаш таклифлари [xarid.uzex.uz](http://xarid.uzex.uz) электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кундан кечикмасдан танлаш комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддатига 3 кун қолгунга қадар танлаш иштирокчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлаш иштирокчиси томонидан танлаш хужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлаш хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (конвертларнинг ёпиштирилмасдан берилиши, шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган хужжатларни тақдим этмаслик ва ҳ.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

#### **18. Танлаш таклифларининг очилиши**

18.1. Танлаш таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 5 кундан кўп бўлмаган муддатда танлаш комиссияси танлаш таклифлари берилган конвертни очади.

Таклифлар билдирилган конвертлар, иштирокчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида очилади. Иштирокчилар вакиллари қатнашмаганлиги конвертнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг қайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Конверт очилгандан кейин танлаш иштирокчилари танлаш комиссияси томонидан

эътироф этилган ташкилотлар ва тақдим этилган хужжатлар овоз чиқариб санаб ўтилади, танлаш хужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Хужжатлар пакетида танлаш хужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, хужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан иштирокчига қайтарилади.

18.4. Танлаш комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлаш иштирокчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танлашга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг асослантирилган сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

## **Д. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

### **19. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш**

19.1. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлаш таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлаш таклифларини баҳолаш вактида Танлаш комиссияси танлаш иштирокчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш максадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган киймат солиги тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб хисоб қилинади.

19.3. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлаш таклифларини қараб чиқиши муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Энг яхши таклифни таклиф қилган иштирокчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Якун чиқариш ва танлашнинг ғолиби тўгрисидаги қарор танлаш комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлаш комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хуносасига асосланилади. Қарор танлаш комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади.

19.7. Танлаш комиссияси танлаш хужжатлари шартларига мос келмайдиган хар қандай танлаш таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш хуқуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Танлаш комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган иштирокчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йигилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлаш комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлаш ташкилотчиси танлаш ғолибига танлаш якунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг [www.dxarid.uzex.uz](http://www.dxarid.uzex.uz) махсус порталida эълон қиласди.

### **20. Таклифларнинг мос келмаслиги**

20.1. Таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиласидиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан ракамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қиласди.

20.2. Агарда иштирокчи хатоларни тұғрилашдан бош тортса, унинг танлаш таклифи танлаш комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи ҳуқуки бошқа юридик шахсга үтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлаш кўйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлаш таклифларини тақдим этишнинг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлаш таклифлари танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлаш таклифларида танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча иштирокчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошлангич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5 Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш иштирокчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

20.6 Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш үтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди, ҳамда тушунтириш берилади.

## **Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

### **21. Шартномани расмийлаштириш**

21.1. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг **xarid.uzex.uz** порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлаш ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлаш комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг яхши таклиф берган захирадаги иштирокчини Танлаш ғолибининг таклиф ва шартлари асосида танлаш ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлаш үтказишни тайинлаши мумкин.

Бунда ғолиб бўлган иштирокчи томонидан таклиф этилган нархдан захирадаги ғолиб томонидан таклиф этилган нарх юқори бўлиши мумкин эмас

### **22. Шартномани имзолаш**

22.1. Ғолиб иштирокчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган иштирокчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги иштирокчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

## **И БОБ. Танлаш таклиф шакллари**

1-шакл

№ \_\_\_\_\_-лот

### **Танлаш иштирокчисининг ташкилий тузилмаси**

Танлаш иштирокчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

2-шакл

№ \_\_\_\_\_ -лот

**(Иштирокчининг фирма бланкасида)**

№ \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_ сана

**Иштирокчи тўғрисида умумий маълумот шакли**

Танлаш савдолари иштирокчисининг номи: \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон рақами: \_\_\_\_\_

Факс: \_\_\_\_\_

Юридик мақоми: \_\_\_\_\_

Ташкил этилган жойи ва санаси: \_\_\_\_\_

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: \_\_\_\_\_

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: \_\_\_\_\_

Доимий ва вақтингчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Вақтингчалик ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Камида З йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар: \_\_\_\_\_

Вақтингчалик ишловчи ходимлар: \_\_\_\_\_

Ташлаш иштирокчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, ҳудудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами  $m^2$ ) [хусусий ёки ижара];
- омборхона жойлари мавжудлиги (жами  $m^2$ ) [хусусий ёки ижара];
- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана

Иштирокчи номи: [Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ

ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БҮЛИШИ ШАРТ.

3-шакл

№ \_\_\_\_\_ -ЛОТ

**Махсулот(хизмат)нинг техник тавсиф жадвали**

Иштирокчи: \_\_\_\_\_

№	Товарлар (хизматлар, ишлар)	Техник топширик талабларини бажариш учун махсулот номи	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1	2	3	4	5
<i>Танлаш ном ва Лот рақами</i>				
1				
2				

Иштирокчи номи: [Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юкорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ  
ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

4-шакл

№ \_\_\_\_\_ -лот

**ТАНЛАШ ТАКЛИФИ**

КИМГА: Танлаш комиссиясига  
Жаноблар!

Савдо учун олиниши (хизмат кўрсатиш) ушбу билан тасдиқланувчи хужоатларни ўрганиб чиқиб,  
биз қуида имзо чекувчилар, ушбу Танлаш таклифининг бир қисми ҳисобланувчи ва таклиф этилаётган  
нарх-наво жадвали билан тасдиқланувчи \_\_\_\_\_

суммада

ги

(Танлаш таклифининг умумий суммаси ёзма ва рақамларда)

кўрсатилган хужоатлар асосида етказиб беришни (хизмат кўрсатишни) амалга оширишни таклиф  
этамиз.

Бизнинг Танлаш таклифимиз қабул қилинган тақдирда, товар ва хизматлар учун Буюртмада  
келирилган етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) графиги асосида товарларни етказиб бериш (хизматларни  
кўрсатиш) мажбуриятини оламиз.

Бизнинг \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_)

сўм закалат пулимиз Шартнома шартларининг бажарилиш якунига қадар ва биз томонимиздан шу каби  
Шартнома шартларининг бажарилишига кафолат сифатида Танлаш Буюртмачиси ихтиёрида туради.

Биз танлаш таклифларининг очилган куни сифатида ўрнатилган (белгиланган) санадан бошлаб 30  
(уттиз) банк куни давомида ушбу танлаш таклифлари қоидаларига риоя этишга розилик билдирамиз.  
Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий (ҳақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар  
ихтиёрий вактда қабул қилиниши мумкин.

Расмий Шартномани тайёрлаб ва уни расмийлаштиргунга қадар ушбу танлаш таклифи, унинг  
қабул қилинишидаги Сизнинг ёзма тасдигингиз ва Шартномага эга бўлганлигингиз ҳақидаги Сизнинг  
билдириш-хатингиз билан биргаликда бизнинг ўртамиздаги ҳақиқий (мажбурий) Шартнома ролини  
бажаради.

Биз албатта инобатга оламизки (тушунамизки), Сиз ўта кичик ҳисоб қийматига эга бўлган танлаш  
таклифини ёки умуман Сиз олган таклифлардан қайси биринидир қабул қилишга мажбур эмассиз.

Биз ҳар ойнинг иккинчи санасида, бутун етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) даври мобайнида  
танлаш савдоши шартларининг ижро этилиши ҳақидаги ахборот-маълумотларни тақдим этиб бориши  
мажбуриятини оламиз.

20 й. \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_\_ санаси билан белгиланди.

[имзо]

[лавозими]

(савдо иштирокчисининг номланиши)

Иштирокчининг номидан ва топшириги бўйича Танлаш таклифини имзолаш ваколатига эгалик  
қилувчи

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

5-шакл

№ \_\_\_\_ -лот

**Иштирокчи таклиф этган маҳсулотнинг (хизматларнинг, ишларнинг) нарх жадвали**

Иштирокчи: \_\_\_\_\_

т/р	Махсулот (хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир донасиning нархи	Умумий нархи
1.					
2.					

Етказиб берилаётган маҳсулот умумий қиймати жами:

\_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

**Изоҳ:** маҳсулотнинг (хизматнинг, ишнинг) бир донаси ва умумий нархлари ўртасида фарқланиш аниқланилса, бундай ҳолда бир дона маҳсулотнинг нархига қаралади.

Иштирокчи номи: [Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

### **III БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАХСУЛОТЛАРГА ВА КҮРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

#### **1. Умумий маълумотлар**

1.1. Товар (иш, хизмат)ларнинг тўлиқ номи: Поп тумани халк таълими бўлимига қарашли мактаблар қузғош мавсумига олинадиган кўмир ва кўмир брикет махсулотларини ташиб бериш хизмати.

Товар (иш, хизмат)нинг микдори 1-жадвалда келтирилган.

1.2. Буюртмачи: Поп тумани халк таълими булими.. Поп тумани халк таълими бўлимига қарашли мактаблар куз-қиши мавсумига олинадиган кўмир ва кўмир брикет махсулотларини ташиб бериш хизмати бюджет маблағлари хисобидан

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. Молиялаштириш манбалари: Бюджет маблағлар хисобидан.

**1-жадвал**

№	Товар (иш, хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1	Поп тумани халк таълими бўлимига қарашли мактаблар куз-қиши мавсумига олинадиган кўмир ва кўмир брикет махсулотларини ташиб бериш хизмати	Хизмат	130 286 828
2	Жами	Хизмат	130 286 828

## **ТЕХНИК ХУСУСИЯТЛАР**

1. Поп тумани халк таълими бўлимига қарашли мактабларга куз-қиши мавсумига олинадиган кўмир ва кўмир брикет маҳсулотларини ташиб бериш хизмати.

**Иштирокчилар томонидан юқорида кўрсатилган товар (иш, хизмат)нинг намунавий шакли ясалиб кўрсатилади ва буортмачи томонидан тасдиқлангандан сўнг барча товар (иш, хизмат) келишилган бўйича ишлаб чиқилади**

## **IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ**

### **Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби**

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ қопланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлаш, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатиши, иш бажариши) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлаш таклифлари танлаш савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

### **2. Танлаш валютаси**

2.1. Танлаш таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

### **3. Етказиб бериш шартлари ва муддати**

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати 30 кун деб белгиланади.

### **4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали**

4.1 Олдиндан тўлов конун хужжатларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

### **5. Шартномани молиялаштириш манбаи**

5.1. марказни бюджет маблағлар ҳисобидан.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – хукуқий базаси тўғрисида»ти Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.